

1548/3887 - عَنْ مَالِكِ بْنِ صَعْصَعَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
خَدَّثَهُمْ عَنْ لَيْلَةِ أُسْرِي بِهِ قَالَ: بَيْنَمَا أَنَا فِي الْحَطِيمِ - وَرَبَّمَا قَالَ: فِي الْحِجْرِ مُضْطَجِعًا، إِذْ أَتَانِي
آتٍ فَقَدَّ - قَالَ: وَسَمِعْتُهُ يَقُولُ: فَشَقَّ مَا بَيْنَ هَذِهِ إِلَى هَذِهِ - قَالَ الرَّاوي: مِنْ ثَعْرَةٍ نَحَرِهِ إِلَى شِعْرَتِهِ،
فَأَسْتَخْرَجَ قَلْبِي، ثُمَّ أَتَيْتُ بِطَسْتٍ مِنْ ذَهَبٍ مَمْلُوءَةٍ إِمَانًا، فَعُسِلَ قَلْبِي، ثُمَّ حُشِيَ ثُمَّ أُعِيدَ، ثُمَّ أُتَيْتُ
بِدَابَّةٍ دُونَ الْبَعْلِ وَفَوْقَ الْحِمَارِ أَبْيَضَ، قَالَ الرَّاوي: هُوَ الْبُرَاقُ يَضَعُ حَطْوَهُ عِنْدَ أَقْصَى طَرَفِهِ،
فَحَمَلْتُ عَلَيْهِ، فَانْطَلَقَ بِي جِبْرِيلُ، حَتَّى أَتَى السَّمَاءَ الدُّنْيَا فَاسْتَفْتَحَ، فَقِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ،
قِيلَ: مَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنِعَمَ الْمَجِيءُ جَاءَ،
فَفَتَحَ، فَلَمَّا حَلَصْتُ فَإِذَا فِيهَا آدَمُ، فَقَالَ: هَذَا أَبُوكَ آدَمُ فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ السَّلَامَ،
ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالْإِبْنِ الصَّالِحِ، وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، ثُمَّ صَعِدَ حَتَّى أَتَى السَّمَاءَ الثَّانِيَةَ فَاسْتَفْتَحَ، قِيلَ: مَنْ
هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ
فَنِعَمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَفَتَحَ، فَلَمَّا حَلَصْتُ، إِذَا يُحْيَى وَعِيسَى، وَهُمَا ابْنَا الْحَالَةِ، قَالَ: هَذَا يُحْيَى وَعِيسَى
فَسَلِّمْ عَلَيْهِمَا، فَسَلَّمْتُ فَرَدَّ، ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ، وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، ثُمَّ صَعِدَ بِي إِلَى السَّمَاءِ
الثَّالِثَةِ فَاسْتَفْتَحَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟
قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنِعَمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَفَتَحَ، فَلَمَّا حَلَصْتُ إِذَا يُوسُفُ، قَالَ: هَذَا يُوسُفُ
فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ، وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، ثُمَّ صَعِدَ بِي، حَتَّى أَتَى
السَّمَاءَ الرَّابِعَةَ فَاسْتَفْتَحَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: أَوْقَدْ
أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنِعَمَ الْمَجِيءُ جَاءَ فَفَتَحَ، فَلَمَّا حَلَصْتُ إِلَى إِدْرِيسَ، قَالَ:
هَذَا إِدْرِيسُ، فَسَلِّمْ عَلَيْهِ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، ثُمَّ صَعِدَ

ي، حَتَّىٰ أَتَى السَّمَاءَ الْخَامِسَةَ فَاسْتَفْتَحَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ
صلى الله عليه وسلم قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قِيلَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنِعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَلَمَّا
خَلَصْتُ فَإِذَا هَارُونَ، قَالَ: هَذَا هَارُونُ فَسَلِّمْ عَلَيْهِ فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالْأَخِ الصَّالِحِ،
وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، ثُمَّ صَعِدَ بِي حَتَّىٰ أَتَى السَّمَاءَ السَّادِسَةَ فَاسْتَفْتَحَ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ:
مَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ أُرْسِلَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنِعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَلَمَّا
خَلَصْتُ، فَإِذَا مُوسَى، قَالَ: هَذَا مُوسَى، فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ ثُمَّ قَالَ: مَرْحَبًا بِالْأَخِ
الصَّالِحِ، وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، فَلَمَّا تَجَاوَزْتُ بَكَّى، قِيلَ لَهُ: مَا يَبْكِيكَ؟ قَالَ: أَبْكِي لِأَنَّ غُلَامًا بُعِثَ
بَعْدِي يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِهِ أَكْثَرَ مَنْ يَدْخُلُهَا مِنْ أُمَّتِي، ثُمَّ صَعِدَ بِي إِلَى السَّمَاءِ السَّابِعَةِ فَاسْتَفْتَحَ
جِبْرِيلُ، قِيلَ: مَنْ هَذَا؟ قَالَ: جِبْرِيلُ، قِيلَ: وَمَنْ مَعَكَ؟ قَالَ: مُحَمَّدٌ، قِيلَ: وَقَدْ بُعِثَ إِلَيْهِ؟ قَالَ: نَعَمْ،
قَالَ: مَرْحَبًا بِهِ، فَنِعْمَ الْمَجِيءُ جَاءَ، فَلَمَّا خَلَصْتُ، فَإِذَا إِبْرَاهِيمُ، قَالَ: هَذَا أَبُوكَ إِبْرَاهِيمُ، فَسَلِّمْ
عَلَيْهِ، قَالَ: فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَرَدَّ السَّلَامَ، قَالَ: مَرْحَبًا بِالْإِبْنِ الصَّالِحِ، وَالنَّبِيِّ الصَّالِحِ، ثُمَّ رُفِعْتُ لِي
سِدْرَةُ الْمُنْتَهَىٰ فَإِذَا نَبُفْهَا مِثْلُ قِلَالِ هَجَرَ، وَإِذَا وَرَقُهَا مِثْلُ آذَانِ الْفَيْلَةِ، قَالَ: هَذِهِ سِدْرَةُ الْمُنْتَهَىٰ،
وَإِذَا أَرْبَعَةُ أَتْهَارٍ: تَهْرَانِ بَاطِنَانَ وَتَهْرَانِ الظَّاهِرَانِ، فَعُلْتُ: مَا هَذَانِ يَا جِبْرِيلُ؟ قَالَ: أَمَّا الْبَاطِنَانِ
فَتَهْرَانِ فِي الْجَنَّةِ، وَأَمَّا الظَّاهِرَانِ فَالنَّبِيلُ وَالْفِرَاتُ، ثُمَّ رُفِعَ لِي الْبَيْتُ الْمَعْمُورُ، ثُمَّ أَتَيْتُ بِإِنَاءٍ مِنْ حَمْرٍ
وَإِنَاءٍ مِنْ لَبَنٍ وَإِنَاءٍ مِنْ عَسَلٍ، فَأَحَدْتُ اللَّبَنَ فَقَالَ: هِيَ الْفِطْرَةُ أَنْتَ عَلَيْهَا وَأُمَّتُكَ، ثُمَّ فُرِضَتْ عَلَيَّ
الصَّلَوَاتُ حَمْسِينَ صَلَاةً كُلَّ يَوْمٍ، فَرَجَعْتُ فَمَرَرْتُ عَلَىٰ مُوسَى، فَقَالَ: بِمَا أَمَرْتُ؟ قَالَ: أَمَرْتُ
بِحَمْسِينَ صَلَاةً كُلَّ يَوْمٍ، قَالَ: إِنَّ أُمَّتَكَ لَا تَسْتَطِيعُ حَمْسِينَ صَلَاةً كُلَّ يَوْمٍ، وَإِنِّي وَاللَّهِ قَدْ جَرَّبْتُ
النَّاسَ قَبْلَكَ، وَعَاجَلْتُ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَشَدَّ الْمُعَاجَلَةِ، فَارْجِعْ إِلَىٰ رَبِّكَ فَاسْأَلْهُ التَّخْفِيفَ لِأُمَّتِكَ،
فَرَجَعْتُ فَوَضَعَ عَنِّي عَشْرًا، فَرَجَعْتُ إِلَىٰ مُوسَى فَقَالَ مِثْلَهُ، فَرَجَعْتُ فَوَضَعَ عَنِّي عَشْرًا، فَرَجَعْتُ إِلَىٰ
مُوسَى فَقَالَ مِثْلَهُ، فَرَجَعْتُ فَوَضَعَ عَنِّي عَشْرًا، فَرَجَعْتُ إِلَىٰ مُوسَى فَقَالَ مِثْلَهُ، فَرَجَعْتُ فَأَمَرْتُ

بِعَشْرِ صَلَوَاتٍ كُلِّ يَوْمٍ، فَرَجَعْتُ فَقَالَ مِثْلَهُ، فَرَجَعْتُ فَأَمَرْتُ بِخَمْسِ صَلَوَاتٍ كُلِّ يَوْمٍ، فَرَجَعْتُ إِلَى
مُوسَى، فَقَالَ: بِمَا أَمَرْتُ؟ قُلْتُ: أَمَرْتُ بِخَمْسِ صَلَوَاتٍ كُلِّ يَوْمٍ، قَالَ: إِنَّ أُمَّتَكَ لَا تَسْتَطِيعُ خَمْسَ
صَلَوَاتٍ كُلِّ يَوْمٍ، وَإِنِّي قَدْ جَرَّبْتُ النَّاسَ قَبْلَكَ وَعَالَجْتُ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَشَدَّ الْمُعَالَجَةِ، فَارْجِعْ إِلَى رَبِّكَ
فَاسْأَلْهُ التَّخْفِيفَ لِأُمَّتِكَ، قَالَ: سَأَلْتُ رَبِّي حَتَّى اسْتَحْيَيْتُ، وَلَكِنْ أَرْضَى وَأُسَلِّمُ، قَالَ: فَلَمَّا جَاوَزْتُ
نَادَى مُنَادٍ: أَمْضَيْتُ فَرِيضَتِي، وَحَقَّقْتُ عَنْ عِبَادِي.

1548.3887. Молик ибн Саъсаъа розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Аллоҳнинг Набийси соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари сайр қилдирилган кечалари ҳақида сўзлаб бердилар:

«Мен Ҳатимда - гоҳида у (Қатода) «Ҳижрда»* деб айтар эди - ёнбошлаб ётган эдим, биров келиб, мана бу ердан манави ергача кесди. - (Қатода) айтади: «Мен унинг (Анаснинг) «ёрди» деб айтаётганини ҳам эшитдим. Ёнимда турган Жорудга: «Бу билан нима демоқчи?» десам, у: «Бўғиз ости чуқурчасидан то қовуқ тукларигача» демоқчи», деди. Мен унинг яна «Ўмганларидан то қовуқ тукларигача» деяётганини ҳам эшитдим. - Сўнг қалбимни чиқарди. Кейин менга иймон тўла тилла жом келтирилди. Сўнг эса қалбим ювилиб, жойига солиб қўйилди. Сўнгра менга хачирдан кичикроқ, эшакдан каттароқ бир оқ улов келтирилди. - Жоруд: «У Буроқми, эй Абу Ҳамза?» деган эди, Анас: «Ҳа. У оёқларини кўзи етган жойга ташлайди», деди. - Мен унга миндирилдим. Кейин Жаброил мени олиб, йўлга тушди, дунё осмонига борди-да, очишларини сўради.

«Ким бу?» дейилди.

«Жаброил», деди.

«Ёнингда ким бор?» дейилди.

«Муҳаммад», деди.

«Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди.

«Ҳа», деди.

«Марҳабо! Қандай гўзал ташриф!» деди-да, (эшикни) очди. Етиб боргач, қарасам, у ерда Одам турибди. У (Жаброил): «Бу отанг Одамдир, унга салом бер», деди. Унга салом берган эдим, саломга алик олди-да, сўнг: «Хуш

келибсан, солиҳ ўғил, солиҳ Набий!» деди.

Кейин у (Жаброил) чиқиб, иккинчи осмонга келди-да, очишларини сўради.

«Ким бу?» дейилди.

«Жаброил», деди.

«Ёнингда ким бор?» дейилди.

«Муҳаммад», деди.

«Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди.

«Ҳа», деди.

«Марҳабо! Қандай гўзал ташриф!» дейилди. У (эшикни) очди. Етиб боргач, қарасам, Яҳё билан Ийсо турибди. Улар холавачча эди. У (Жаброил): «Бу Яҳё ва Ийсодир, уларга салом бер», деди. Мен салом бердим, улар алик олишди. Сўнг икковлари: «Хуш келибсан, солиҳ биродар, солиҳ Набий!» дейишди.

Кейин у мени учинчи осмонга олиб чиқди-да, уни очишларини сўради.

«Ким бу?» дейилди.

«Жаброил», деди.

«Ёнингда ким бор?» дейилди.

«Муҳаммад», деди.

«Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди.

«Ҳа», деди.

«Марҳабо! Қандай гўзал ташриф!» дейилди ва (эшик) очилди. Етиб боргач, қарасам, Юсуф турибди. У (Жаброил): «Бу Юсуф, унга салом бер», деди. Мен унга салом бердим, у алик олди-да, сўнгра: «Хуш келибсан, солиҳ биродар, солиҳ Набий!» деди.

Кейин у мени тўртинчи осмонга олиб чиқди-да, уни очишларини сўради.

«Ким бу?» дейилди.

«Жаброил», деди.

«Ёнингда ким бор?» дейилди.

«Муҳаммад», деди.

«Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди.

«Ҳа», деди.

«Марҳабо! Қандай гўзал ташриф!» дейилди ва (эшик) очилди. Идриснинг олдига етиб борганимда, у (Жаброил): «Бу Идрис, унга салом бер», деди. Мен унга салом бердим, у алик олди-да, сўнгра: «Хуш келибсан, солиҳ биродар, солиҳ Набий!» деди.

Кейин у мени бешинчи осмонга олиб чиқди-да, уни очишларини сўради.

«Ким бу?» дейилди.

«Жаброил», деди.

«Ёнингда ким бор?» дейилди.

«Муҳаммад», деди.

«Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди.

«Ҳа», деди.

«Марҳабо! Қандай гўзал ташриф!» дейилди ва (эшик) очилди. Етиб боргач, қарасам, Ҳорун турибди. У (Жаброил): «Бу Ҳорун, унга салом бер», деди. Мен унга салом бердим, у алик олди-да, сўнгра: «Хуш келибсан, солиҳ биродар, солиҳ Набий!» деди.

Кейин у мени олтинчи осмонга олиб чиқди-да, уни очишларини сўради.

«Ким бу?» дейилди.

«Жаброил», деди.

«Ёнингда ким бор?» дейилди.

«Муҳаммад», деди.

«Унга (исро учун) элчи юборилганмиди?» дейилди.

«Ҳа», деди.

«Мархабо! Қандай гўзал ташриф!» дейилди ва (эшик) очилди. Етиб боргач, қарасам, Мусо турибди. У (Жаброил): «Бу Мусо, унга салом бер», деди. Мен унга салом бердим, у алик олди-да, сўнгра: «Хуш келибсан, солиҳ биродар, солиҳ Набий!» деди.

Унинг олдидан ўтиб кетишим билан у йиғлашга тушди. Унга: «Нега йиғлаяпсан?» дейилди. У: «Йиғлайман-да, чунки мендан кейин пайғамбар қилиб юборилган ёш йигитнинг умматидан жаннатга кирадиганлар менинг умматимдан кирадиганлардан кўп экан», деди.

Кейин у мени еттинчи осмонга олиб чиқди. Жаброил уни очишларини сўради.

«Ким бу?» дейилди.

«Жаброил», деди.

«Ёнингда ким бор?» дейилди.

«Муҳаммад», деди.

«Унга (исро учун) элчи жўнатилганмиди?» дейилди.

«Ҳа», деди.

«Мархабо! Қандай гўзал ташриф!» дейилди. Етиб боргач, қарасам, Иброҳим турибди. У (Жаброил): «Бу отанг, унга салом бер», деди. Мен унга салом бердим, у саломга алик олди-да: «Хуш келибсан, солиҳ ўғил, солиҳ Набий!» деди.

Кейин менга Сидратул-мунтаҳо* намоён қилинди. Қарасам, унинг мевалари Ҳажарнинг* хумларидек, барглари филнинг қулоғидек экан. У (Жаброил): «Бу - Сидратул-мунтаҳо», деди. Қарасам, тўртта дарё: иккита ботин дарё, иккита зоҳир дарё бор экан. «Булар нима, эй Жаброил?» деган эдим, «Иккита ботини жаннатдаги икки дарёдир. Иккита зоҳири эса Нил ва Фуротдир»,* деди.

Кейин менга Байтул-маъмур* намоён қилинди. Унга ҳар куни етмиш минг фаришта кирар экан. Сўнг менга бир идишда хамр, бир идишда сут, яна бир идишда асал келтирилди. Мен сутни олдим. У (Жаброил): «Мана шу фитратдир, сен ва умматинг ўшандасизлар»,* деди.

Кейин менга ҳар куни эллик маҳал намоз фарз қилинди. Ортимга қайтиб, Мусонинг олдидан ўтдим. У: «Нимага буюрилдинг?» деди. «Ҳар куни эллик маҳал намозга буюрилдим», дедим. У: «Умматинг ҳар куни эллик маҳал намозга тоқат қила олмайди. Аллоҳга қасамки, мен сендан олдин одамларни

(бу борада) синаб кўрганман. Мен Бану Исроилни ўнглашга жуда қаттиқ ҳаракат қилдим. Роббингга қайтиб, У Зотдан умматинг учун энгиллик сўра», деди.

Қайтиб борган эдим, У Зот ўнтасини кечди. Мусонинг олдига қайтиб келсам, яна ўша гапни айтди. Қайтиб борган эдим, У Зот яна ўнтасини кечди. Мусонинг олдига қайтиб келсам, яна ўша гапни айтди. Қайтиб борган эдим, У Зот яна ўнтасини кечди. Мусонинг олдига қайтиб келсам, яна ўша гапни айтди. Кейин яна қайтиб борган эдим, ҳар куни ўн маҳал намозга буюрилдим. (Мусонинг олдига) қайтиб келсам, у яна ўша гапни айтди. Кейин яна қайтиб борган эдим, ҳар куни беш маҳал намозга буюрилдим. Мусонинг олдига қайтиб келсам, у: «Нимага буюрилдинг?» деди. «Ҳар куни беш маҳал намозга буюрилдим», дедим. У: «Умматинг ҳар куни беш маҳал намозга тоқат қила олмайди. Мен сендан олдин одамларни (бу борада) синаб кўрганман. Мен Бану Исроилни ўнглашга жуда қаттиқ ҳаракат қилдим. Роббингга қайтиб, У Зотдан умматинг учун энгиллик сўра», деди.

«Роббимдан сўрайвериб уялиб кетдим. Энди мен рози бўламан ва таслим бўламан», дедим. У ердан ўтишим билан бир нидо қилувчи: «Фарзимни жорий қилдим ва бандаларимга энгиллаштирдим», деди».

* Ҳижрнинг изоҳи 3848-ҳадисда.

* Қатода, Жоруд - ушбу ҳадисни Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ровийлар.

* Буроқ - Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исро кечаси минган улов. У ё ўта тезлиги, ёки ўта оппоқ бўлгани учун шу номни олган, чунки бу сўз «чақнаш», «ялт этиш», «жилваланиш» деган маъноларни билдирувчи «барқ» сўзидан ясалган. Унинг айрим сифатлари ушбу ҳадисда зикр қилинмоқда. Унинг тўлиқ васфи Аллоҳга маълум. Биз ҳадисларда келган хабарлар билан чекланамиз.

* «У оёқларини кўзи етган жойга ташлайди» деган гап Буроқнинг бениҳоя учқур эканидан дарак беради.

Изоҳ: Мусо алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ҳасад ёки ғайирликдан эмас, ўз умматларига раҳми келганидан, ачинганидан йиғлаганлар, чунки у дунёда оддий инсонлар ҳам бу каби ёмон хислатлардан холи бўлади. Аллоҳнинг сайлаган бандалари бундай сифатлардан пок бўлиши табиий.

* Сидратул-мунтаҳо - луғатда «интиҳо дарахти», «чегара дарахти» деган маънони англатади. Ҳадисда таърифланишича, у бутасимон дарахт бўлиб, чавандоз бир неча ўн йил от чоптирса ҳам унинг соясидан чиқа олмайди. Унинг «интиҳо» деб номланишига сабаб шуки, барча махлуқотнинг илми

ўша жойгача етади, ундан уёғида нима борлигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Фаришталар ҳам ундан уёғига ўта олмайдилар. Бу ҳам ғайбга тааллуқли нарсалардан бўлиб, бу ҳақда оят ва ҳадисларда келган маълумотлар билан кифояланиш лозим. Унинг кайфияти ва бошқа жиҳатлари Аллоҳнинг Ўзигагина маълум бўлиб, инсон ақлу идрокидан устундир.

* Ҳажар - Мадинага яқин шаҳарлардан бири. У ердаги хумлар ҳақида тингловчиларда етарли тасаввур бўлгани учун мазкур дарахт мевалари уларга ташбеҳ қилинган.

* Меърожда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўплаб ажойиботлар кўрсатилган. Жумладан, Сидратул-мунтаҳо дарахти остида Нил ва Фурот дарёлари намойиш қилинган. Бу улар айнан ўша жойдан оқиб тушади, деган маънода эмас, албатта. Аммо уларнинг мазкур мақомда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатилиши уларнинг баракали, жаннат анҳорлари каби фазилатли, серманфаат эканини англатади.

Уламолар ҳадисдаги ушбу жумлани бир неча хил изоҳлаганлар. Айримлари бу ерда араб тилига хос бўлган бадий ифода услуби қўлланилган, деса, бошқалари бу мазкур дарёлар атрофидаги халқларнинг Исломга кириб, жаннат аҳлидан бўлишига ишора, дейишган. Нима бўлганда ҳам, бу манзара ғайб хабарларидан бўлиб, ўзига хос услубда кечган. Унинг қандай бўлгани, нима ҳикмати борлиги ёлғиз Аллоҳга маълум. Биз бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитилган хабарларга иймон келтириш билан чекланишимиз тўғри бўлади.

* Байтул-маъмур - «Обод уй», осмон аҳлининг қибласи. У осмонда, ердаги Каъбанинг қоқ тепасида жойлашган.

* Фитрат - туғма, соф табиат. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг умматларининг фитратда дейилиши Ислом дини фитрат, яъни соф табиат дини эканини билдиради.

Манба: hadis.islom.uz



